

Дунё тарихида ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, горларнинг деворларига турли тасвирлар чизиш сўнги палеолит даврига оиддир (Испания, Алтамир гори). Ўрта Осиёда унгулар ва қоятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлади. Неолит даврига келиб эса ривожланган босқичга кўтарилди. Калтаминор, Хисор, айникса Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг турли намуналари топилган. Ўрта Осиёнинг тоғлик ҳудудларида кенг тарқалган қоятош расмлари ишланиш усулига кўра икки хил. Бир хиллари бўёқ (оҳра) билан, иккинчи хиллари эса уриб-ўйиб ишқалаш, чизиш усули билан ишланган (петроглифлар) расмлардир.

Ўзбекистондаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Теракисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёддир. Бу ердаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллари расмларини қузатиш мумкин. Улар ибтидоий буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, бугу ва жайрон кабилардир. Расмлар орасида ўк-ёй, узун қилич, ханжар, дубулга, қопқон қаби нарсалар ҳам кўпчиликти ташкил этади.

Энг қадимги расмлар Зараутсой (Сурхондарё) бўлиб, бу расмлар мезолит-неолит, яъни мил авв. VIII-IV минг йилликларга оиддир. Қоятош расмлари орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуролларини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, қоятош расмлар қадимги авлодларимизнинг гоёвий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш жоизки, ибтидоий санъатнинг энг ривожланган босқичи неолит даврига оиддир. Бу давр Жойтун, Калтаминор ва Хисор маданиятларига мансуб ёд-горликлардан ибтидоий санъатнинг жуда кўплаб намуналари топилган. Неолит даври одамлари идишларга ҳар хил рангдаги бўёқ билан турли нақшлар, одам ва ҳайвон тасвирларини ифода этганлар. Шу билан бирга лойдан ясаиб, пиширилган аёл ҳайқалчалари неолит даври санъатининг нодир намуналари ҳисобланади.